



## ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТАРАҚИЁТНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ

Сотиволдиев Қодиржон Раҳимжонович

Наманган муҳандислик-технология институти жисмоний тарбия фани катта  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6564384>

**Аннотация:** Инновация ҳам жараён ҳам натижа сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, инновация - бу илмий билимлар соҳасида (ижодий ҳаракатлар натижасида вужудга келган самарали ғоялардан келиб чиққан ҳолда) фундаментал билимлар соҳасидаги (ўзаро боғлиқ) ва онгли равишда ўзаро боғлиқ ўзгаришлар занжиридир. Инновация асосида янги ғоялар реалликка мослашади ва турли даражадаги амалий фойдаланиш босқичларини юзага келтиради. Инновацияларни ривожлантиришда инсонга хос ташқи ва ички ўзини ўзи бошқариш ва назорат қилиш жараёни муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир инновацион жараён ўзига хос “ҳаёт цикли”га эга, бу ҳолат изчил ҳаракатлар мажмуи билан боғлиқ бўлган мураккаб таълим сифатида тушунилади.

**Калит сўзлар:** инновация, ғоя, ҳаёт, жисмоний тарбия, соғлом турмуш.

Барчамиз бундан жиддий хулоса қилган ҳолда зарарли одатлардан воз кечиш, оммавий спорт билан доимий шуғулланиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, хусусан таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини меъеридан ортиқ истеъмол қилмасликни, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, зарарли одатлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш,

тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар яратиш;

оммавий спортни ривожлантириш бўйича оилалар, синфлар, меҳнат жамоалари ва ҳудудлар ўртасида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;

аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва ширинликларни, нон маҳсулотларини истеъмол қилишни қисқартириш, зарарли одатлардан, хусусан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан воз кечиш йўли билан касалликка чалиниш, ортиқча вазн ҳолатлари (семизлик) ва бевақт вафот этишни камайтириш;

аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, тартибсиз ва кечки уйқу олдидан овқатланиш одатларидан воз кечиш;

санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини оилалар, маҳаллалар, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари даражасида соғлом турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида тарғиб қилиш;

мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида, корхона, ташкилот ва бошқа турдаги барча муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий моддий-техника базасини шакллантириш.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.10.2020 йилдаги ПФ-6099-сон.  
<https://lex.uz/docs/5077667>



Одатда инновация учта асосий босқични ўз ичига олади: яратиш, ривожлантириш ва амалга ошириш. Бундан ташқари, инновацияларнинг “ҳаётий реалликка айланиши” устувор аҳамият касб этади. Илмий ва инновацион фаолиятни ўрганишга услубий ёндашув - бу илмий ишланмаларни тижоратлаштириш самарадорлигини таҳлил қилиш, хусусан унинг самарадорлигини белгилайдиган таркибий қисмлардан иборатдир<sup>2</sup>.

XX-асрнинг ўрталарида жамиятнинг стратегик ривожланиш манбалари, ахборотлаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви сифатида ахборот ва билимга йўналтирилиши жамиятнинг алоҳида соҳаларида (сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва шахсий ва ҳоказо) ва жамоат ташкилотида туб ўзгаришларга олиб келди. Ахборот технологиялари ишлаб чиқариш таркибига киритилиши каби бугунги кунда кузатилаётган жараёнлар; глобал алоқа тизимларини такомиллаштириш; инновацион деб номланган юқори технологияли маҳсулотларнинг миқдорий ўсиш тенденцияси; глобал иқтисодиётнинг изчил ривожланишига олиб келадиган трансмиллий компанияларнинг таъсири кучайиши; маданиятлараро сиёсат масалаларини долзарблашуви, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида янги устуворликларни яратиш; маданий қадриятларнинг глобаллашуви “постиндиндиал жамият”, “ахборотлашган жамият”, “билимлар жамияти” каби футурологик тушунчаларида башорат қилинган цивилизациядан кейинги ривожланиш босқичига ўтишнинг мантиқий натижасидир.

Янги ижтимоий-маданий тартибни ўрнатишда ва унинг тузилмаларини янгидан шакллантиришда инновациялар муҳим рол ўйнайди. Айрим мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш омили сифатида инновацияларнинг тобора ортиб бораётган уларга нисбатан давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, уни кенгайтириш ва рағбатлантириш масаласини кун тартибига қўяди ва шу сабабли инновация жараёни

---

<sup>2</sup> Педагогическая инноватика: инновационное образование, инновационное мышление, инновации. Материалы международной научно-практической конференции. Под ред. В.П. Делия. ИСЭПиМ, 25-26 марта 2010 г. Сборник научных статей. Балашиха. Де-По. 2011. - 328с.



ва инновацион тафаккур соҳасини ривожлантириш бўйича бир қанча тадқиқотларни олиб бориш самарали йўлга қўйилди.

Жамият билан муносабатлар тизимидаги янгиликлар ва жамиятнинг айрим тузилмаларини ишлаб чиқариш натижасида юзага келган туб ўзгаришларни ҳосил қилади. Бу нафақат инновацияларни шакллантириш жараёнига бағишланган илмий ишларнинг ортишини, балки инновацион тафаккурни юксалтириш муаммосини бевосита иқтисодий ва технологик муҳитдан ижтимоий, сиёсий ва бошқа маданият даражаларига олиб чиқишни таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, бугунги кунда инновация нафақат маданият ривожланишининг омилларидан бири, балки, авваламбор, замонавий воқеликнинг мураккаб ижтимоий-маданий ҳодисасига айланиб бормоқда.

Замонавий ижтимоий ривожланиш жамиятнинг барча даражаларида янгилаш шакли бўлган, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ривожланишнинг асосий омили бўлган инновацияларсиз амалга оширилмайди, бу ерда улар жамиятда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда асосий восита ролини ўйнайди. Жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви, рақобатнинг кучайиши инновациялар оқими тобора кўпроқ диққат марказида бўлиб келмоқда ва мамлакатларнинг ривожланиш даражаси унинг инновацион қобилияти билан баҳоланмоқда<sup>3</sup>. Шу муносабат билан олимлар дунёнинг энг илғор мамлакатларининг цивилизация ривожланишининг янги турига - Ғарб жамиятининг прогрессив ривожланишидаги кейинги қадам қўйишига асос бўлган инновациялар ҳақида бош қотиришни бошладилар. Бу эса инновацион жараённинг ўзи ва унинг асосий хусусиятларини, шунингдек, ушбу жараёнлар асосида жамиятда амалга ошириладиган ижтимоий механизмларни, шунингдек, инновацион фаолият субъектларини ва бошқаларни ўрганишга бағишланган тегишли илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда. Инновацияларнинг амалий аҳамияти, инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш зарурияти

<sup>3</sup> Фефилина Л.В. Инновационное мышление руководителя : [учебное пособие] для студентов, обучающихся по специальности Психология / Л. В. Фефилина ; М-во образования и науки Российской Федерации, Федеральное агентство по образованию, Ярославский гос. ун-т им. П. Г. Демидова. - Ярославль : ЯрГУ, 2007. - 135 с.



билан характерланади. Бу айниқса ривожланишнинг янги йўлига қадам қўйган, аммо ҳали ҳам изчил давлат инновацион сиёсати ва уни амалга ошириш механизмларига эга бўлмаган мамлакатимиз учун жуда муҳимдир. Инновация соҳаси мамлакатимизнинг инқироздан чиқиб кетиши ва жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг келажакдаги мавқеини белгилаш муаммолари билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиш стратегик вазифасининг ҳал этилиши унинг глобал ривожланиш йўлига киришини тақозо этади. Шу боисдан ҳам инновацияларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш илмий инновацион сиёсатни шакллантиришга имкон беради, унинг мақсади эса бутун инновацион цикл давомида ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий шароитларни шакллантиришга хизмат қилади. Бу жараён ўз навбатида янги билимларни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторига ўтказилишини таъминлайди. Бугунги кунда мамлакатимизда инновацион сиёсатнинг илмий концепциясининг йўқлиги жамиятнинг иқтисодий соҳасига давлат таъсири механизмларининг шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу боисдан ҳам ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун илмий асос яратадиган ва янгиланиш учун объектив ва субектив шарт-шароитларни аниқлаш, янги лойиҳаларни танлаш мезонлари ва баҳолашларини ишлаб чиқишга имкон берадиган инновацион методологияни ишлаб чиқиш зарурияти бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Уни яратиш учун айрим фанларнинг (иқтисодиёт, социология, менежмент ва бошқалар) методологик асосларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларнинг потенциал самарали услубий ғояларини қайтадан ишлаб чиқиш ва янги интеграциялашган ёндашувга киритиш учун янги фанлараро синтез сифатида инновацион методологияни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Инновацияларни шакллантиришнинг долзарблиги, у нафақат бугунги кун тартибига жамиятни янги асосда қайта қуриш вазифасини қўйяди балки инсон эҳтиёжларига жавобан шакллантирилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.



Инновацияларни бошқариш ёхуд инновацион менежментнинг вазифаси - мавжуд вазиятни ўрганиш асосида инновацион жараённинг меъёрдагидек кечишини таъминлаган ҳолда инновацион фаолият учун оқилона шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдир<sup>4</sup>. Бу ерда ўрганилаётган ижтимоий тизимчанинг жорий ҳолатини имкон қадар аниқ ва тўлиқ тасвирлаш ҳамда олинган маълумотлар асосида бошқарув ҳаракатлари натижасида эришилиши назарда тутилаётган тизимчанинг келажакдаги ҳолатининг башоратини яратиш муҳимдир. Инновациядан олдинги таҳлил муаммоси - ижтимоий ҳодисаларнинг ҳаракатчанлиги ва қўптомонламалиги боис уларни тасвирлашнинг ўта мураккаблиги, шунингдек ижтимоий тизимчалардан ҳар бирининг бир мунча кенгроқ ижтимоий мазмунга қўшилганлигидан иборат, айнан шу сабабдан янгиликнинг ишлаб чиқишнинг мана шу босқичига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Бундай ўрганиш биринчи навбатда тармоқнинг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашга таяниши лозим, чунки бу хусусият инновацион ғояни муносиб тарзда ўзлаштириш учун зарур бўлган шартни акс эттиради.

Инновацион салоҳият - ижтимоий муҳитнинг инновацион жараёнга техник, технологик ва ташкилий хизмат кўрсатишни таъминловчи ижтимоий муҳит шароитлар (моддий, интеллектуал, ахборот, инсоний заҳиралар), инфратузилма, шароитларининг (ижтимоий, сиёсий, диний, этник ва ҳ.к.) мажмуидир. Ушбу кўрсаткич инновацион ғоянинг ташқи шароитлари, амалга оширилиш вазиятининг бутун мажмуини умумлашган таърифидир. Янгилик инновацияларнинг энг муҳим аломатларидан биридир. Бироқ янги ўзи нима? Биз Л.Илюхина ва Г.Герасимовларнинг “инновациялардаги янги - бу замон ва вазиятлар(ривожланиш эҳтиёжари) талаб қилган моҳият бўлиб, бунинг атрофида тизимга белгиланган, кутилаётган (таҳминий башорат қилинаётган) ҳолатга ўтиш ва бу билан инновацион таъсирнинг мазмундор натижасини қайд қиладиган хусусияти аломатларига

<sup>4</sup> Андренов Н.Б. Методология инновационного мышления: методическое пособие. - Москва : Спутник+, 2018. - 86 с.

таъсир кўрсатиш даражасига кўра муайян тизимда олдин қўлланилган буткул фарқланувчи янгилик мазмуни шаклланиши” борасидаги фикрига қўшиламиз<sup>5</sup>.

Инновацион жараён инновацион фаолият чоғида амалга ошириладиган янгилик киритишларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Инновацион фаолият – инновацион ғояни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ҳаракатлар мажмуидир. Инновацион жараён даврий хусусиятга эга ва бир неча босқичларда амалга оширилади. Инновацион даврийлик – янгиликни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш босқичларининг изчиллигидир<sup>6</sup>. Бизнинг назаримизда инновацион даврийлик инновацион жараённинг қуйидаги босқичлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ўринли бўлади: Янгилик киритиш (янгилик) – аниқ ва инновацион лойиҳада ифодаланган инновацион ғоя. Мазкур босқичда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади: тизимни (объектни, тармоқни) унинг ички ўзига хослиги, ривожланишидаги хоссалари ва заҳираларнинг мавжудлиги ҳамда ижтимоий тараққиётнинг бирмунча кенг мазмунига киритилганлиги ҳолати нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; муаммоли майдонларни, уларни оптималлаштириш мақсадида ўзгаритиришни талаб қилувчи таъсирни ўрганиш; аниқланган муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлган инновацион ғояларни ишлаб чиқиш; ғояни объект ёки тизимнинг зарурий хоссаларига бошқарувчи таъсир ўтказиш имкониятини белгилаб берувчи вазифалар тизимида аниқлаштирилган мақсадга айлантириш; тизим ривожланишининг ташқи ва ички омилларини олдиндан ўтказилган таҳлили асосида тармоқнинг келажакдаги ҳолати башоратини тузиш, янгилик киритиш моделини барпо этиш, объектга унинг иш самарасини ошириш ёки сифатларини яхшилаш мақсадида таъсир ўтказишнинг аниқ чоралари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, инновацион ғояларни ўзлаштиришга эҳтимолий тўсиқларни баҳолашдан иборат.

Янгилик киритишнинг тарқалиши, ижтимоийлашуви - янгилик киритишни ўзлаштириш жараёни, инновацион лойиҳани амалда қўллаш. Мазкур босқичда

<sup>5</sup> Герасимов, Г. И. Инновации в образовании: сущность и социальные механизмы (социологический аспект) / Г. И. Герасимов, Л. В. Илюхина. – Ростов н/д: НМД «Логос», 1999. – 136 с.

<sup>6</sup> Лесков С.Л. Живая инновация. Мышление XXI века : пособие для старшеклассников / С. Л. Лесков. - Москва : Просвещение, 2009. - 239 с.



инновацион ғоя ижтимоий амалиёта жорий этиш тартиботи орқали ўзининг аниқ ифодасига эга бўлади. Янгилик киритишнинг жорий этилиши тизимнинг барқарор мутаносиб ҳолатини муайян вақтга издан чиқарган ҳолда унга беқарорлик унсури киритади. Бу даврда тизим ўта мўрт ва нозик бўлади ҳамда уни мувозанатдан чиқиб кетишининг кўпроқ хатари мавжуд. Шу боис лойихада белгиланган ривожланиш чоғида тасодифий чекланишлар ҳолати тезкор ислоҳ қилиниши ва тегишли оқимга йўналтирилиши учун янгилик киритишни ўзлаштириш жараёни пухта ва мунтазам кузатиб ҳамда назорат қилиб турилиши лозим. Янгилик киритиш – янги ёки сифат жиҳатидан ўзгартирилган моделлар, намуналар, жараёнлар, объектлар ва ҳ.к. кўринишида ифодаланган инновацион фаолият натижасидир. Мазкур босқичда янгиликнинг узил кесил ўзлаштириши, барқарорлашуви, ижтимоийлашуви юз беради (И.В.Бестужев-Лада мазкур жараённи “инновацион гомеостаз” деб атайди), инновациядан кейинги таҳлил амалга оширилади, бундан мақсад – янгиликни лойихалаш ва амалга ошириш босқичларида йўл қўйилган хатоларни аниқлаш, келгусида шунга ўхшаш муаммолардан қочиш учун, инновацион жараён чоғида юз берган қийинчиликларни таҳлил қилишдир.

Инновацияни биз ижтимоий институтлар нуқтаи назаридан у ёки бу ижтимоий институтларнинг амал қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий муносабатларда, тузилмаларда ва амалиётларда жиддий ўзгаришларга олиб келувчи ўзгаришлар сифатида тушунамиз. Бу ҳақида А.И.Саитқосимов шундай ёзади: “...инновация жамиятда ижтимоий муносабатлар динамик ривожининг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур жараёнда умуммиллий манфаатлар доирасида ижтимоий соҳани модернизациялашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим жиҳат бўлиб, унда ҳар бир ҳудудда ижтимоий соҳа тизимлари ва инфраструктурасининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг реал ижтимоий ҳаёт билан мос келиш имкониятларини мониторинг қилиш, ижтимоий ривожлантириш стратегиясини





амалга оширишнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва инновацион механизмларини такомиллаштириш назарда тутилади”<sup>7</sup>.

Замонавий инновация амалиёти инновацияларни амалга ошириш, уларга мослашиш, муайян янгилик киритишларни ташхис қилиш ва башоратлаш, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш ва ўз вақтида оддийлаштириш билан боғлиқ бўлган кўплаб муаммоларни кўрсатиб берди. Умуман бугунги олам учун хусусиятли бўлган узлуксиз ўзгаришлар вазиятида иштирок этиш тажрибаси фанлараро тадқиқотлар нуқтаи назаридан инновацияларни ўрганишни тақозо этмоқда. Инновацион фаолиятлар муаммосини нафақат иқтисодий ёки техник фанлар нуқтаи назаридан, балки фалсафа, маданиятшунослик, психология, ҳуқуқ, бошқарув ва албатта социология нуқтаи назаридан ҳал қилиш қизиқиш уйғотмоқда. Келгусидаги истиқболли ривожланишни таъминловчи ижтимоий ўзгаришларни тадқиқи қилиш бугунги кунда биринчи ўринга чиқмоқда. Шу аснода ҳар қандай янгилик киритиш улар ижтимоий ҳаёт фаолиятининг қайси соҳасида амалга оширилмасин буткул муайян ижтимоий самара беради. Жамият (ташкilot) ўзининг муваффақиятли амал қилишини таъминлаш воситаси сифатида янгиликларни жорий этади. Янгиликларнинг ўзини сифати эса нафақат жамият эҳтиёжларига, балки унинг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Шу боис ижтимоий соҳалардаги инновацион жараёнларни ўрганиш, бугунги кунда ўта долзарбдир.

Шу аснода инновацион амалиётнинг ўрганишга бўлган ёндошувнинг ўзи ҳам жиддий ўзгариши лозим. Гап бу ерда инновацион жараёнларни тасодифий, ноаниқ ва хатарли эмас, балки ижтимоий эҳтиёжлар, имкониятлар ва умидларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириладиган ҳамда бошқариладиган жараёнлар сифатида тушуниш зарурлиги тўғрисида бормоқда. Биринчидан, инновацион амалиётни инсонийлаштириш, иккинчидан эса, инсонпарварлаштириш зарурлигини таъкидлаш зарур. Инновацион амалиётни инсонийлаштириш, уни инсоннинг эҳтиёжлари заруратларига мос тарзда ўтказишни; инновацион хатарларни камайтириш

<sup>7</sup> Сайтқосимов А.И. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Самарқанд 2019. –Б.17.



мақсадида тадқиқи қилиш; янгиликларга ижтимоий мослашув муаммоларини ўрганиш ва ҳоказоларни заруратини назарда тутати. Инновацион амалиётни инсонпарварлаштириш ижтимоий-гуманитар фанлар мажмий ёрдамида инновацион майдон муаммоларини тизимли тадқиқ қилишни назарда тутати.

Инновация салоҳияти ва мақсадини нафақат тадқиқ қилиш, балки янгилик киритишларга нисбатан муайян мақсадлар ва хатти-ҳаракат стратегияларига ўргатиш ҳамда уларни ишлаб чиқиш имкон берувчи ўзига хос усуллардан ҳам фойдаланса бўлади. Мазкур ҳолатда “аклий ҳамлалар”, “мунозаралар”, “ишчанлик ўйинлари”, тренинглари алоҳида аҳамият касб этади<sup>8</sup>. Албатта, кўрсатилган техникалар тадқиқотдан кўра кўпроқ ўқитиш хусусиятига эга эканлигига йўл қўйиш мумкин. Бунга қўшилмаслик қийин. Аммо инновацион амалиётларга ўқитиш чоғида, янгиликларни киритишга маслаҳат бериш ва иновацион менежмент тизимида шунингдек янгилик киритишларга мослашишнинг ўзига хосликларини (макро- ва ўрта даражада) ўрганиш, инновацион маданиятни шакллантириш ва ҳ.к.чоғида бундай усуллардан фойдаланиш имконияти ҳақида бош қотириш мумкин.

Замонавий иқтисодиётнинг самарали ишлаши кўп жиҳатдан давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсири сифати билан белгиланади. Миллий иқтисодиётда, бир қатор хорижий мамлакатларнинг иқтисодий тизимларида бўлгани каби, давлат-хусусий шериклик (ППП) тушунчаси фаол амалга оширилмоқда.<sup>9</sup>

Жамият тараққиётида инновацион тафаккур тараққиётини объектив заруратга айланиб бориши бу борадаги янгича қарашлар ва ёндашувларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Эндиликда инновациянинг ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаси билан бир қаторда таълим, маданият, кундалик турмуш тарзига ҳам кириб келаётганлиги кузатилмоқда. Бу жараён инновацион тафаккурнинг замонавий фан талабларига мослаштириш билан бир қаторда жамиятда кишиларнинг ўсиб

<sup>8</sup> Кучко, Е. Е. Инновационные игры как элемент управленческой деятельности в современных условиях / Е. Е. Кучко // Управление и власть: сборник статей. – Минск, 2000. – С. 32–39.

<sup>9</sup> Madumarov Talatbek Tolibjonovich, & Gulomjonov Odiljon Rahimjon o'g'li. (2021). PREREQUISITES FOR THE DEVELOPMENT OF A LEASING MECHANISM IN PUBLIC - PRIVATE PARTNERSHIP. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(SP), 5. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/7MXR3>

бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили айланиб бормокда. Файласуф олим М.Молостованинг фикрича, «шахс фаолиятида инновациялар ва уларни ўзлаштиришга муносабат қуйидагилар асосида амалга ошади: - фаолиятнинг мақсадга йўналганлиги ва натижани олдиндан англаб етиш; - юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга йўналганлик; - тез ўзгариши мумкин бўлган ҳолатларга мослаша олиш; - кутилмаганда юзага келган вазиятда ҳаракат қила олиш; - қатъиятлилик; - муваффақиятга йўналганлик ва муваффақиятсизликдан чўчимаслик; - яратувчанлик ва ижтимоий йўналганлик»<sup>10</sup>.

Инновацион тафаккур маданиятига эга бўлган шахс ўз ҳаётида кўплаб тўсиқ ва қаршиликларга учраши, кўзда тутилаётган янгилик жамиятда қабул қилинган тартиб ва қоидаларга мос тушмаган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириши, анъанавий тарзда шаклланган моддий ва маънавий қадриятларга мос тушунмаган қарашларни илгари суриши мумкин. Бундай мураккаб жараён инновацион тафаккур соҳибидан кучли билим ва қатъий ҳаётий позицияни талаб қилади. Чунки айнан шарқона менталитетга асосланган жамиятларда инновацион тафаккурни юксалтириш анча меҳнатни талаб этади. Бунда жамият интеллектуал ресурсларининг тўғри йўналтирилиши ва турли ижтимоий қатламларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш тобора устувор аҳамият касб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.10.2020 йилдаги ПФ-6099-сон. <https://lex.uz/docs/5077667>
2. Педагогическая инноватика: инновационное образование, инновационное мышление, инновации. Материалы международной научно-практической конференции. Под ред. В.П. Делия. ИСЭПим, 25-26 марта 2010 г. Сборник научных статей. Балашиха. Де-По. 2011. - 328с.

<sup>10</sup> Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение» // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. т.12. 2010. -№5. –С.134.



3. Фефилина Л.В. Инновационное мышление руководителя: [учебное пособие] для студентов, обучающихся по специальности Психология / Л. В. Фефилина; М-во образования и науки Российской Федерации, Федеральное агентство по образованию, Ярославский гос. ун-т им. П. Г. Демидова. - Ярославль: ЯрГУ, 2007. - 135 с.
4. Андренов Н.Б. Методология инновационного мышления: методическое пособие. - Москва: Спутник+, 2018. - 86 с.
5. Герасимов, Г. И. Инновации в образовании: сущность и социальные механизмы (социологический аспект) / Г. И. Герасимов, Л. В. Илюхина. – Ростов н/д: НМД «Логос», 1999. – 136 с.
6. Лесков С.Л. Живая инновация. Мышление XXI века: пособие для старшеклассников / С. Л. Лесков. - Москва: Просвещение, 2009. - 239 с.
7. Саитқосимов А.И. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. –Самарқанд 2019. –Б.17.
8. Кучко, Е. Е. Инновационные игры как элемент управленческой деятельности в современных условиях / Е. Е. Кучко // Управление и власть: сборник статей. – Минск, 2000. – С. 32–39.
9. Madumarov Talatbek Tolibjonovich, & Gulomjonov Odiljon Rahimjon o'g'li. (2021). PREREQUISITES FOR THE DEVELOPMENT OF A LEASING MECHANISM IN PUBLIC - PRIVATE PARTNERSHIP. International Engineering Journal For Research & Development, 6(SP), 5. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/7MXR3>
10. Молостова М.Ю. Теоретико-методологические основания понятия «инновационное поведение» // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. т.12. 2010. -№5. –С.134.